

## ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

УДК 336.72

**Тўрабеков Соҳибжон Шербой ўғли**  
Талаба, Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти

**Мухаммедов Мурод Мухаммедович**  
И.ф.д, профессор, Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти

**Одилова Дилноза Илёсовна**  
Ўқитувчи, Самарқанд шаҳар маиший хизмат касб-хунар коллежи

### ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

### РАЗВИТИЕ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В УЗБЕКИСТАНЕ

### DEVELOPMENT OF INVESTMENT CLIMATE IN UZBEKISTAN

**Аннотация:** В статье рассматриваются актуальные вопросы развития национальной экономики Узбекистана на основе дальнейшего улучшения инвестиционного климата в стране. Важное значение придается дальнейшему совершенствованию правовой базы. Обосновываются пути активизации инвестиционной деятельности отечественных и зарубежных предпринимателей.

**Ключевые слова:** инвестиционная деятельность, экономическое развитие, зарубежные предприниматели, инвестиционная политика.

**Summary:** In the article the pressing questions of development of national economy of Uzbekistan are examined on the basis of further improvement of investment climate in a country. An important value is given further perfection of legal base. The ways of activation of investment activity of domestic and foreign businessmen are grounded.

**Key words:** investment activity, economic development, foreign businessmen, investment policy.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири - бу мамлакатимизда инвестицион фаолиятни ривожлантириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишлари белгилаб олинди. Иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигида инвестицияларнинг бекиёс ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларга, хусусан, чет эл инвестицияларига бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши бугунги кунга келиб мамлакатимизда инвестиция фаолиятини жадал ривожлантиришга олиб келди. Хусусан, самарали

инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилиши ҳукуматимизнинг юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим.

Инвестиция фаолиятини ривожлантириш зарурияти, авваламбор, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиётнинг реал секторини катта ҳажмдаги инвестициялар билан таъминлаш, иқтисодиётдаги туб ўзгаришларни рағбатлантириш, аҳоли даромадларининг ўсиши ва бошқаларга асосланадиган янги босқичдаги иқтисодий ислохотларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқади.

Ҳозирги шароитда хорижий инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётимиз учун жуда муҳим бўлиб, бундай самарага эришиш учун хорижий компаниялар ва фирмалар учун инвестиция муҳитини янада қулайлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, “Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарт билан «ноль» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим. 2015 йилда амалга оширган кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди...”

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, ҳар бир давлат мамлакат иқтисодиётига йирик миқдорда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун ўз инвестиция сиёсатини ҳамда инвестиция иқлимини такомиллаштиришга ҳаракат қилади ва бу борадаги ҳаракатларни энг аввало инвестиция муҳитининг ташкилий-ҳуқуқий асосини яратишдан бошлайди.

Ўзбекистонда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Қисқа давр мобайнида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва уни турли хил қонунлар орқали ҳуқуқий таъминлашга эришилди. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инвестиция фаолиятини бошқаришда ўнлаб қонунлар ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент фармонлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни орқали тартибга солинади. Ушбу Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда инвестиция фаолияти бўйича қонунчилик, асосий тушунчалар, инвестиция турлари, инвестиция ресурслари, инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг инвестиция фаолиятининг бошқа субъектлари билан муносабатлари, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, марказлашган инвестициялар ва уларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа масалалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари инвестиция фаолиятини, шунингдек, хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг асосий ҳужжатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ. Ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш ва техник модернизация тизимини шакллантирмасдан туриб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ва ташқи бозорга чиқишини таъминлаш мушкул. Бу эса, ўз навбатида, ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун миллий ва хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб қилишни тақозо этади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, муҳим юқори технологияли қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш асосида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши натижасида 2015 йилда Ўзбекистонда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2014 йилга нисбатан 9,6 фоизга ўсиб, 40,7 трлн. сўмдан кўпни ташкил қилди.

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 3,3 млрд. долларини ёки 21 фоиздан ортиғини чет эл инвестициялари ва кредитлари

(ўсиш - 9,1 фоиз), шу жумладан 2,4 млрд. долларини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил қилди. 2015 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлари ҳажми 728,6 млн. долларни ташкил қилди.

Инвестициялар таркибида энг катта ҳажми марказлашмаган инвестициялар (инвестициялар умумий ҳажмининг 78,2 фоизи), унинг 30,9 фоизини хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари (ўсиш - 12,6 фоиз) ташкил қилди, бу ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш тармоқ дастурлари ҳамда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларининг фаол амалга оширилиши натижаси бўлди.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган инвестицион жараёнларнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли минтақавий инвестиция жозибадорликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади.

Давлат томонидан самарали инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш;
- республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш;
- юртимизга жаҳон стандартлари даражасидаги замонавий технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг юқори самарали тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш ҳамда энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш.

Фикримизча, инвестицияларни миллий иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлар бўйича жалб этишга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- миллий агросаноат имкониятларидан келиб чиқиб, текстил ва тўқимачилик саноатини модернизациялаш, синтетик ва сунъий толалар билан ишлашни ривожлантириш, буни хорижий инвестициялар ва уларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

- аҳоли яшайдиган узоқ туман, шаҳар ва қишлоқ жойларини ободонлаштириш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида аҳолининг алтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, турли қувват ва энергия манбалари бозорида рақобат муҳитини яратидиган ишлаб чиқариш корхоналарига инвестицияларни кенг жалб этиш;

- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш.

- темир йўл коммуникациялари тизимини жадал ривожлантириш, хусусан, юк ташиш ҳажмининг асосий қисмини таъминлайдиган коммуникация тармоқлари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли тарзда боғлашга алоҳида эътибор қаратиш;

- фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, ҳудудларга киритилаётган инвестициялар орқали уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш ва мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак.

Умуман олганда, мамлакатимизда шаклланган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омили бўлиб, Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиклигини таъминлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар тизими яратилган.

Келажакда Ўзбекистон миллий иқтисодиётига маҳаллий ва чет эл инвестицияларини жалб қилишни янада фаоллаштириш чора-тадбирларини излаб топиш лозим. Тармоқлар ва ҳудудларда тузилмавий қайта қуриш вазифасини ҳал этишда инвестициялар кўламини кенгайтириш ва айти пайтда уларнинг самарадорлигини оширишга йўли билан эришиш мумкин. Ўзбекистон миллий иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг ҳажмини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблаймиз:

- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларидан бўлган лизинг, факторинглардан фойдаланиш жараёнларини кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қуйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида



доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўрғазмасини ташкил қилиш.

- айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий зоналар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;

- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;

- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;

- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;

- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;

- биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга ва шу асосда миллий иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни фаол жалб этилишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

#### *Адабиётлар:*

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир”. Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь, 11-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) расмий сайти маълумотлари.

4. [www.kun.uz](http://www.kun.uz) сайти маълумотлари.